




ОЗИҚ-ОВҚАТ
ХАВФСИЗЛИГИ
БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯ
ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!
Сиз, азияларни қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида озиқ-овқат хавфсизлигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро конференция-нинг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.
Мазкур анжуманда дунёнинг 32 та давлатидан 620 нафардан зиёд хорижий меҳмон ҳамда 30 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотдан вакиллар қатнашаётгани унга жаҳон миқёсидаги катта қизиқиш ва эътибордан далолатидир.
Албатта, ушбу конференция учун айнан Самарқанд шаҳри танлангани бежиз эмас. Қарийб уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган бу кўҳна шаҳар асрлар давомида Буюк ипак йўлидаги муҳим чорраҳа бўлиб келган.

Сизларга яхши маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги, уни барқарор етказиб бериш, очлик ва қашшоқликка қарши кураш масалалари бугун ҳам ўта долзарб бўлиб қолмоқда.
Сўнгги ўн йилларда “яшил инқилоб” ва инновацион технологияларнинг кенг жорий этилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди, тобора кўпайиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда сезиларли ютуқларга эришилди.

Афсуски, кейинги пайтда коронавирус пандемияси, жаҳон сиёсати ва иқтисодийётидаги инқирозлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида занжирларнинг узилиши ва нархлар ошишига сабаб бўлди.

Бундан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар жабр кўрмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимида инвестиция ҳажми камайиши вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Бу эса Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни хавф остида қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош қотиби Антонио Гутерреш жанобларининг 2021 йилда озиқ-овқат тизимлари бўйича глобал саммит ўтказиш борасидаги ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Бугунги анжуман ана шу саммитнинг манتيқий давомидир.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, ташқи таъсирларга чидамли навларини яратиш, чорва наслини яхшилаш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерлар ва кичик ишлаб чиқарувчилар учун ахборот-консалтинг марказларини ташкил этиш, уларни ресурс тежайдиган илғор технология ва усуллар бўйича ўқитиш учун агро-консалтинг хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Замонавий технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги фермерлар учун бир хилда очик ва ҳамёнбоп бўлиши керак. Биз халқаро молия институтларини ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг “яшил технологиялар”дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга чақирамиз.

Биз энг зарур маҳсулотлар савдоси ва транспортировкасида тўлиқ эркинлик ҳамда озиқ-овқат юклари ҳаракатини тартибга соладиган қоидаларни соддалаштириш тарафдоримиз. Савдо йўллари хавфсизлиги ва очиклигини таъминлаш давлатлараро муносабатларда ўзгармас тамойил бўлиб қолиши зарур.

Қадрли дўстлар!
Ўзбекистон замини ўзининг қадимий ва бой деҳқончилик анъаналари, ғоят хилма-хил, мазали ва ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан азалдан шуҳрат қозониб келади.
Агротармоқ иқтисодийётимиздаги етакчи секторлардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолимизнинг 27 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада самарали ва ресурс тежайдиган соҳага айлантириш, қишлоқда аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш, халқимизни арзон ва барқарор нархларда хавфсиз ва витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлом овқатланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бизнинг юртимиздан етишиб чиққан, Ғарбда “Авиценна” деган ном билан шуҳрат қозонган буюк аллома Ибн Сино бобомиз ўрта асрлардаёқ “Қимки узоқ ва соғлом ҳаёт кечиришни истаса, аввало, овқатнинг сифати ва миқдорига эътибор қаратсин”, деб таъкидлаганлар.


Албатта, дунё аҳолиси ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш – узоқ давом этадиган жараён. Бу мақсадга эришишда барча давлатлар ҳукуматлари, ишлаб чиқарувчилар, олимлар ва тиббиёт ходимлари яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўҳурматли анжуман иштирокчилари!
Сизлар конференция давомида ана шундай муҳим масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлашга хизмат қиладиган янги ташаббус ва амалий таклифларни ишлаб чиқасиз, деб ишонаман.
Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!
Мамлакатимизга ташрифингиз мазмунли ва самарали бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Манба: president.uz

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050-йиллигига



УЛУҒ АЛЛОМАНИНГ
МАНГУЛИК ТАФАККУРИ

Абу Райҳон Беруний 170 га яқин асарлари билан дунё илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган, геология, минералогия, геодезия каби фанларнинг янги соҳаларига асос солган улуғ мутафаккир олим сифатида тарихга кирган. Шунинг учун америкалик атоқли олим Сиртон Х асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг биринчи ярмини дунё илм-фан тарихида “Беруний даври”, деб атаган эди.

Улуғ аллома таваллудига бу йил 1050 йил тўлди. Шу сабабли ЮНЕСКО Бош конференцияси ўтган йилги қарори билан 2022-2023 йилларда нишонланганидан халқаро юбилейлар рўйхатида Абу Райҳон Беруний номини ҳам киритган эди. Айни шу кунларда Париждаги ЮНЕСКО Бош қароргоҳида улуғ аллома ҳаёти ва ижодида бағишланган илмий ва маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

4 сентябрда “Абу райҳон Беруний. Географик ва интеллектуал саёҳатлар” деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмага таширф буюрувчилар визуал инсталляциялар ёрдамида Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва ижоди, қашфиёт ва изланишлари ҳақида турли хил маълумотлар олишларига имкониятлар яратилди. Экспозицияда алломанинг Франция Миллий кутубхонаси фондида йиғилган нодир қўлёзмаларга алоҳида жой ажратилди.

Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодида бағишланган кўргазма очилиши муносабати билан ЮНЕСКО Бош қароргоҳида атоқли бастакор Дмитрий Янов-Яновскийнинг “Зиё – Бўжлар таронаси” асарининг премьераси бўлиб

ўтди. Асарда Шарқнинг тўрт мутафаккири – Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек образлари орқали юртимизда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар улуғланган.

Алибек Кабдурахмонов бошчилигидаги мамлакатимиз Миллий симфоник оркестри ижросидаги куй-қўшиқлар санъат ихлосмандларини Ўзбекистон маданий-тарихий меросининг янги қирралари билан таништиришга хизмат қилди.

Айни пайтда мамлакатимизда ҳам буюк қомусий олимнинг 1050 йиллик таваллудига катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. 2022 йилнинг 23 августида Президентимиз томонидан “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилинди. Шундан кейин давлатимиз раҳбари имзоси билан “Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО – Ўзбекистон халқаро мукофотини таъсис этишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” эълон қилинган қарор асосида халқаро мукофот таъсис этилди. Бу мукофот Абу Райҳон Беруний илмий меросини жаҳон фани ва цивилизацияси ривожига муаммолари контекстида ўрганишга бағишланган халқаро миқёсдаги илмий ишлар муаллифларига берилади.

Шу билан биргаликда мамлакатимизда Абу Райҳон Берунийнинг 8 жилдан иборат асарлари ўзбек тилида нашрдан чиқарилди. Бу улуғ аллома-

нинг катта ҳажмидаги асарларининг бир қисмини ўз она тилимизда илк бор мукаммал нашр этилиши бўлди. Шунингдек, республика Фанлар академияси томонидан дунё кутубхоналарида сақланган нодир қўлёзмалар нусхаларидан иборат “Абу Райҳон Беруний: интеллектуал ва географик сайёҳатлар” номи махсус каталог турли тилларда нашр қилинмоқда.

Улуғ аллома мероси дунёнинг барча мамлакатларида ўрганилмоқда, тадқиқ этилмоқда. Унинг хотираси абадийлаштирилмоқда. Ҳиндистон пойтахтида жойлашган Жамия Миллия Исламия университети ҳудудида ҳам Абу Райҳон Берунийнинг ҳайкали қад ростлайдиган бўлди. Маълумки, университетнинг иккита йирик биноси Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино номлари билан аталади. Университет жамоаси Ўзбекистон олий ўқув юртли ва мамлакатимиз олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Улуғ мутафаккир ҳайкали университетнинг ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар, дизайн ва инновация департаментлари, араб-ҳинд маданият маркази, шунингдек, бошқа бўлимлари туташган майдонда ўрнатилиши кўзда тутилган. Ҳайкал университетида мамлакатимиз томонидан тақдим этилади.

Қилинаётган ишларнинг бари буюк алломанинг мероси абадийлигини, тафаккур медалари — асарлари мангулигини кўрсатади.

МАКТАБ — КЕЛАЖАК ОСТОНАСИ



Ўтган йилнинг совуқ кунларида “Тараққиёт” МФЙ ҳудудида жойлашган 32-умумтаълим мактабида 5 та труба ёрилиб кетган. Орадан шунча вақт ўтди. Бироқ мутасаддилар томонидан ҳалигача бирон чора кўрилмаган. Вақт эса кутиб турмайди. Ҳадемай яна совуқ кунлар бошланади. Кўмир заҳираси ҳақида ҳам ҳозирдан бош қотириш лозим.

Янги қонун кучга кирди

Қонуннинг 21-моддасида Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишни бевосита амалга ошираётган шахс йигирма бир ёшдан кичик кўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг реализация қилини-шини рад этиши шарт.



“АБДУЛЛА ОРИПОВ”
БАДИЙ ФИЛЬМИ
ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА



Фильмда Абдулла Орипов билан бирга Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Озод Шарафиддинов, Шукр Холмирзаев, Эркин Воҳидов, Бахтиёр Назаров каби миллий адабиётимиз даргаларининг сиймолари савдалантирилган, уларнинг адабиётимиз ривожига йўлидаги эзгу ишлари акс эттирилган.

Табиийки, халқимизнинг суякли шоири Абдулла Орипов ҳақидаги бадий фильм ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Шу боисдан кўйида айрим адабиёт мухлис-лари, мутахассислар, оддий томошабинларнинг фильм хусусидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Байрам совғаси**Қувасойда “Адолат” СДП биноси фойдаланишга топширилди**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида “Адолат” СДПнинг Қувасой шаҳар кенгаши жамоаси ўз биносига эга бўлди. Шаҳар депутатлик гуруҳи раҳбари Мухсинжон Мўсинов бошчилигида депутатлар ҳомийлик кўмаги асосида шаҳар марказида жойлашган бинони мукаммал таъмир-

лашди. Бино мебеллар билан жиҳозланди, зарур тарғибот материаллари билан безатилди ҳамда сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланди.

Бинонинг фойдаланишга топширилиш маросими тантанали нишонланди. Тадбир давомида “Адолат” СДП Фарғона вилоят кен-

гаши раҳбар ва мутахассислари, шаҳар ва туман Кенгаши раислари ва фаоллар иштирокида семинар ташкил этилди. Шаҳар кенгаши Дилобар Мирзаева партия фаолиятини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган самарали ишлар билан ўртоқлашди.

Депутатлик гуруҳларида**Икки нафар хотин-қиз уйли бўлди, 80 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди**

Депутат сайловчи кўнглига йўл топиб, уларни бунёдкорликка, яратувчиликка, эзгуликка, яхшиликка даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Халқ депутатлари Кўкдала туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам доимий равишда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиб келишяпти.

Комил САХАТОВ,
Достон НУСУРОВ,
“Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши масъул ходимлари

Гарчи туман ташкил этилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, депутатлик гуруҳи аъзолари салмоқли ишларни амалга оширишга улгуришди. Бунда, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган халқ билан мулоқот тизими яхши самара берапти. Депутатлар сайловчилар билан учрашувларда мамлакатимизда кенг миқёсда кечаётган ислохотлар моҳияти, Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан барча жабҳада амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида тушунча бераптилар.

Дарвоқе, Кўкдала тумани Президентимиз қарори билан 2022 йил 19 апрель куни ташкил топган. Ер майдони 171 минг гектарни ташкил этади. Шундан 10 минг гектар лагми ва адир ерларда томичилигиб сугориш технологияси асосида боғ, тоқзорлар барпо этиляпти. Туманда 32 та маҳаллада 182 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Кўкдалада бутунчи кунда 162 та саноат корхонаси, 1 та кичик саноат зонаси мавжуд.

панеллари корхонасини барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

Айни пайтда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда одамларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишда халқ депутатлари туман Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам фаол иш олиб бораптилар. Айниқса, бу борада **гуруҳ аъзоси Илҳом Юнусов**нинг одамлар муаммо-ташвишларини тинглаб, масалага ўз вақтида ечим топаятгани эътиборга молик.

Илҳом Юнусов жорий йилнинг 10 май куни “Сойбўйи” маҳалласи аҳолиси билан учрашганида фуқаролар ички йўллар носозлигидан шикоят қилишган эди. Шундан сўнг депутат туман ҳокимининг қўрилиш бўйича ўринбосари ва масъул идораларга депутатлик сўрови юборди. Депутат ташаббуси билан ҳозиргача 19 километр ички тупроқ йўлларга шағал тўқилди. Илҳом Юнусов саъй-ҳаракати билан уй-жойсиз қийналиб келаётган Шоҳида Ишмаматова ва Дилноза Эрматовани маҳалланинг эски биноси ҳомийларни жалб этган ҳолда таъмирланиб, уй-жой сифатида топширилди.

– **Бундай ғамхўрлик ва эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди**, – дейди Дилноза Эрматова. – **Илҳом Юнусовдек фидойий депутатлар кўпайсин. Халқимиз орасидан меҳр-оқибат кўтарилмасин.**

Депутатнинг хайрли ва савоб ишлари туфайли ўтган уч ой ичида касалманд бўлиб қолган 8 фуқарога туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохоналарда даволашига кўмаклашилди. Уч нафар ночор беморнинг “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам олиши таъминланди.



Сўғдиёна Қамбарова “Сойбўйи” МФИдаги кам таъминланган оилада истиқомат қилади. У жорий йил Самарқанд тиббиёт коллежидан контракт тўлов асосида ўқишга қабул қилинди. Контракт пулини тўлашга эса кам таъминланган оиланинг қурби етмайди. Шундан сўнг фуқаро амалий ёрдам сўраб депутат Илҳом Юнусовга мурожаат қилди. Депутат унинг аризасини ўрганиб, ҳомийлар билан ҳамкорликда контракт пули тўлаб берилишига эришди. Шунингдек, ёрдам сўраб мурожаат қилган тўққиз нафар ёшларга деҳқончилик билан шуғулланишлари ҳамда ичимлик суви зарурати туфайли артезиан қудуқлар қазिश учун имтиёзли кредитлар ажратилишига ёрдам берди. Бундан ташқари, у ишсиз Меҳринис Сайиловани беш кунти асаларини имтиёзли кредит асосида олиб берди.

Депутат маҳалладаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га киритилган беш фуқарога субсидия олишларига амалий ёрдам берган эди. Айни пайтда улар бир сотихлик ерга иссиқхона қуриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштироқдалар ва халқ-

миз дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшмоқдалар.

Депутат кўмаги билан амалдаги йилнинг июль-август ойлариди “Сойбўйи кўрки”, “Зилолаҳон элгади нури”, “Эшонқулова Раъно Хушмуродовна”, “Ҳазратқулова Роҳат Эшдавлатовна” каби якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган эди. Айни пайтда улар турли йўналишларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга 6 нафар ишсиз фуқарони иш билан таъминлашга эришдилар.

Депутатнинг бевосита саъй-ҳаракати ва кўмаги билан уч ой ичида 80 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилишга муваффақ бўлди.

Депутат халқ ишончини қозониши керак. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, ҳар бир раҳбар, депутат, давлат хизматчиси халққа кўпроқ яқинлашса, аҳолининг дардини тинглаб, муаммоларини ҳал этса, одамлар ҳаётдан рози бўлади. Халқ депутатлари Кўкдала туман кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам одамлар орасида бўлиб, сайловчилар ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилаяптилар.

Конференция

“Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги: ўзбек юридик фанининг ривожланиши” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбек юридик фани тараққиёт йўлида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Барқарор ривожланиш маркази томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Жамоат ҳавфсизлиги университети, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, юридик ихтисослик бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, академик Акмал Саидов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, сиёсий фанлар доктори, профессор Баҳром Абдуҳалимов кириш сўзи билан очиб бердилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими, профессор Омонбой Оқолов “Ўзбекистонда илм-фан соҳаси ривожининг иқтисодий, ҳуқуқий асослари”, Термиз давлат университети юридик факультети декани, профессор Жуманазар Холмўминов “Янги Ўзбекистонда инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”, Тошкент давлат юридик университети профессори, профессор Фирюза Муҳитдинова “Янги Ўзбекистонда юридик фани ривожлантиришда хотин-қизларнинг туганган ўрни”, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, профессор Миродилжон Баратов “Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларига доир” мавзуларда маъруза қилдилар.

Анжуманда сўз олганлар мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқ ва натижалар замирида илм-фан соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар муҳим ўрин тутганлигини айтиб, истиқлолнинг илмий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида тизимли фундаментал тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидладилар.

Миллий ўзлимиз, қадим тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва аъёналаримизни янада чуқур таҳлил қилиш, улар ҳақида кенг жамоатчилик, айниқса, ёш авlodга зарур илмий тушунтиришлар бериш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришга урғу берилди.

Муаммо билан юзма-юз**МАКТАБ — келажак остонаси**

Давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиши бу борада жамоатчилик зиммасидаси масъулиятни ҳам ошироқда. Чунки мактаб — келажак остонаси. Фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб қолмоқда етиши айни илм масканлари билан боғлиқ.

Дилфуза АҲМЕДОВА,
“Адолат” СДП Избоскан туман кенгаши раиси



Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Адолат” СДП Избоскан туман кенгаши фаоллари янги ўқув йили бошидан мактабларда яратилган шароитларни ўрганишга киришди. Жамоатчилик назорати тартибидидаги тадбирлар таълим муассасаларидаги муаммолар ечимига йўл очади. “Тараққиёт” МФЙ ҳудудида жойлашган 32-умумтаълим мактабидан бўлган партиядошларимиз янги ўқув йилига қандай тайёргарлик қўрилгани, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлик даражаси ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларига эътибор қаратди. Мактабда олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек. Янги ўқув йилини жамоа янги мақсадлар билан бошлади. Буни синф хоналариди қайноқ ҳаёт ҳам кўрсатиб турибди.

Бизни фақат мактабдаги бир муаммо ташвишга солди. Ўтган йилнинг совуқ кунларида 5 та труба ёрилиб кетган. Орадан шунча вақт ўтди. Бироқ мутасаддилар томонидан ҳалигача бирон чора қўрилмаган. Вақт эса кутиб турмайди. Ҳадемай яна совуқ кунлар бошланади. Кўмир заҳираси ҳақида ҳам ҳозирдан бош қотириш лозим.

Муаммонинг катта, кичиги бўлмайди. Шундай экан масъуллар масалага жиддий эътибор қаратиши зарур.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Кейинги йилларда юртимизда давлат ва жамият қурилишида эсиддий тарихий ишлар амалга оширилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар қўламини тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳаси улкан ўзгаришларга юз тутди. Соҳага эътибор ҳам, муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

**Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери
ўринбосари**



Жумладан, сўнгги етти йилда мамлакатимизда инсон саломатлигини мустақамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан ошириш, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилаш, халқимизнинг эркин ва фаровон яшashi, бахтли ҳаёти йўлида изчил ислохотлар амалга оширилди.

Тизимни тубдан яхшилаш бўйича давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилди. Аввало, тиббиётга ажратиётган маблағлар ҳажми кескин ошдирилди. Натижада ўтган қисқа даврда тиббиётимизда мислсиз янгиланишлар содир бўлди.

Масалан, 2017-2021 йилларда Инвестиция дастури доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги жами 62 644 ўринли 1 370 та тиббиёт муассасасида 7,2 триллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан, 211 та объект янги қурилиб, 1 039 та объект реконструкция қилинди ҳамда 120 таси мукамал таъмирланди.

2022-2024 йилларда эса Инвестиция дастури доирасида 326 та соғлиқни сақлаш объектида 3,4 триллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларда 17 640 та қатнов ва 15 010 та ётоқ ўринларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Сир эмаски, яқин йилларгача юртимизда бу борадаги аҳвол талаб даражасида эмасди. Хусусан, чекка-чекка қишлоқларда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари бинолари эскирган, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли шароитлар йўқ эди. Одамлар тиббий хизмат сифати пастлигидан оддий касаллик тахассиси ёки муолажаси учун узоқ йўл босиб пойтахтга, вилоят марказларига боришга мажбур эди.

Яна бир ҳаётий мисол. Бундан бир неча йил олдин Ўзбекистонда буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари ўтказилмаслиги оқибатида кўпчилик беморлар хорижий мамлакатларда катта маблағ эвазига даволангани боришга мажбур эди. Улар чет элларда даволанишда турли машаққатларга, катта миқдордаги молиявий харажатларга, сафари давомида чет тилда сўзлашиш билан бовариқ қийинчиликларга дуч келарди.

Мамлакатимизда тиббиёт, хусусан, трансплантация соҳасига қаратилаётган эътибор, унинг моддий-техник базасини

ривожлантириш ва юқори технологик жарроҳлик амалиётлари натижасида кейинги йилларда бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Бугунги кунда буйрак ва жигар трансплантацияси мураккаб амалиётларини Ўзбекистоннинг ўзидан, яъни Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ўтказиш йўлга қўйилди.

Натижада, 2017 йилдан бошлаб республикада буйрак ва жигар трансплантацияси амалиёти ўтказилган беморлар сони 15 баробарга ошиб, йилига 350 тани ташкил қилди. Қолаверса, педиатрия трансплантацияси бўйича ҳам тажриба ва кўникмалар оширилмоқда. Турли ёшдаги болаларда 50 га яқин буйрак трансплантацияси муваффақиятли амалга оширилди.

Бундай мураккаб жарроҳлик амалиётларини амалга оширишда мамлакатимизда юқори малакали тиббий мутахассисларга эҳтиёж катта. Шу сабабли кейинги йилларда бу борада тиббиёт йўналишида илгор таълим стандартлари асосида юқори билимга эга мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, шифокорларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш учун сўнгги йилларда олий тиббий таълим муассасалари сони 11 тага етказилди. Бунга мисол қилиб, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ва Қорақалпоқ тиббиёт институти ташкил этилганлигини келтириш мумкин.

Шу билан бирга Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасаларида 6 та тиббиёт факультети очилганлиги, Бухоро шаҳрида эса замонавий қулайликларга эга тиббиёт кампуси бунёд этилганлигини эътироф этиш лозим. Республикада тиббиётда 11 та нодавлат тиббиёт институти ташкил этилгани эса соҳадаги ислохотларнинг яна бир амалий ифодасидир.

Эътиборлиси, охириги беш йил ичида бакалавриятда 3 та янги таълим йўналишлари, магистратурада 10 та ва клиник ординатурада 6 та янги мутахассисликлар ташкил этилди. Натижада бакалаврият таълим йўналишлари бўйича қабул параметрлари 2 баробарга, магистратурада – 86 фоизга, клиник ординатурада – 2,6 баробарга оширилди.

Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда тиббиёт олий таълим муассасаларидаги илмий ҳимоялар

сони охириги беш йил ичида 3 баробарга оширилиб (2017 йилда – 114 нафар (78 PhD ва 36 DSc), 2022 йилда – 349 нафар (272 PhD ва 77 DSc), илмий салоҳият 42 фоиздан 49 фоизга кўтарилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Тиббиёт олий таълим муассасаларидаги хорижий талабалар сони (2017 йилда – 145 нафар ва 2022 йили 1 228 нафар) 87 фоизга ошди.

Бундан ташқари, тиббиёт коллежлари неғизда Абу Али ибн Сино номидаги 74 та жамоат саломатлиги техникумлари ташкил этилди. Россия, Корея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша, Беларусь, Украина каби қатор давлатларнинг 22 та университети билан 12 та бакалаврият таълим йўналиши, 10 та магистратура ва 8 та клиник ординатура мутахассисликлари бўйича халқаро кўша таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Бухоро давлат тиббиёт институтида Туркиянинг соғлиқ билимлари университети билан ҳамкорликда Туркия тиббиёт факультети ва Жиззах шаҳрида Қозон федерал университети филиали ташкил этилди.

Худудларни малакали мутахассислар билан кафолатли таъминлаш мақсадида вилоятлар бюртмасига асосан манзилли ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Асосийси, 1 минг 500 нафар шифокорлар нуфузли хорижий клиника ва университетларда малакасини оширди. Ўзингиз айтинг, бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Буларнинг барчасига мустақиллик туфайли ҳамда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида эришяпмиз, десам айни ҳақиқат.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугун соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда. Ҳар бир муваффақият, ҳар бир марра замирида эса давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган одилона сиёсати мўжассам. Инсон қадри шу эмасми, аслида?

Бир сўз билан айтганда, бугун хорижий етакчи таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиб, шифокор ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш доимий асосда амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамма нарсадан устун турадиган ижтимоий давлат қуриш борасида саъй-ҳаракатларнинг муҳим қисмидир.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, одил судловнинг сифат ва самардорлигини ошириш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, суд идорасига иши тушган ҳар бир инсон ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонishi керак.

АҲОЛИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИГА БЎЛГАН ИШОНЧИ ОШМОҚДА



**Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Коррупцияга қарши курашиш ва
суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси
аъзоси**

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ушбу тизим фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, одамларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустақамлашга хизмат қилляпти. Соҳага оид жадаллашган саъй-ҳаракатлар Президентимизнинг ташаббуси ва алоҳида назорати доирасида кечатгани барчамизни қувонтирмоқда.

Юртимизда шиддатли тус олган ислохотлар натижасида халқимиз ҳаётида жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй бераётир. Кейинги етти йилда суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган марралар ҳақида сўз юритсак, уларни санаб адоғига етолмаймиз. Халқ манфаати йўлида олиб борилаётган ишлар одамларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини оширмоқда.

Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, қонунлар устуворлиги ғоясини ҳаётга татбиқ этишни таъминловчи асосий механизм бўлмиш мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва такомиллаштириш Ўзбекистонда давлат томонидан олиб борилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг тамал тоши ҳисобланади.

Ўтган қисқа даврда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган тарихий ўзгаришларга қўл урилди. Мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасида белгиланди. Янги тахрирдаги Конституцияда ҳам суд органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил органга айлантириш энг муҳим вазифа этиб белгилангани эътиборга молик.

Хусусан, Бош қомусимизнинг 136-моддасида *“Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонуна бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашшишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонуна мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди”*, деб белгилаб қўйилди.

Шу жиҳатдан, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришиш ҳамда судлар фаолиятида очкилик ва шаффофлиқни таъминлаш имконини бераётир.

Суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга қаратилган жиддий ўзгаришлар туфайли мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам юксалмоқда. Жумладан, суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича Мерос жамғармаси (The Heritage Foundation) томонидан юритиладиган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг *“Фуқаролик одил судлов”*, *“Жиноий одил судлов”* индикаторлари каби халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг нуфузи ошаётир.

Президентимизнинг шу йил 16 январдаги *“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ти фармони ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларимизни тубдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Ҳаракатлар дастурида суд тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган асосий устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалар сифатида *“Хабас корпус”* институтини амалиётга янада кенгрок жорий этиш, судьялар ихтисослашувини янада кенгайтириш, суд ишларини қуришда ягона суд амалиётини таъминлаш, судьялар мустақиллигини таъминлашнинг янги механизmlарини яратиш, суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтириш чораларини қуриш ва бошқа муҳим масалалар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари, муддатлари ва масъул органлар аниқ белгилаб берилди.

Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш борасида масъул давлат органлари томонидан тегишли тақлиф ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланмоқда. Шу нуқтаи назардан айтганда, мазкур фармон суд-ҳуқуқ жараёнларини янада такомиллаштириш ва халқаро стандартларни интеграциялашга қаратилган ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга, суд қарорларининг қонунийлиги, самарадорлиги, судлар фаолияти ошкоралиги ҳамда судьялар мустақиллигини оширишга хизмат қилади. Бу эса адолатли судловни таъминлашга замин яратди, фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд-ҳуқуқ тизимига ишончини оширди.

Бир сўз билан айтганда, *халқаро стандартларга жавоб берадиган суд-ҳуқуқ тизимининг ривожланиши юртимизга маҳаллий ва хорижий инвесторларда қизиқиш ва ишонч уйғотади. Тадбиркорлик соҳаси вакиллари низолар юзага келганда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ишончи ҳимоя қилади. Бу эса инвестиция жалб этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилади.*

“ТУРИЗМ ИПОТЕКАСИ” ВА ЯНГИ САЁҲАТ МАНЗИЛЛАРИ

Самарқанд – ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари, қадимий ва ҳамиша навқирон, аллодаларга бешиқ бўлган замин. Бу замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятини бойитиб келган.

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган, жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлган бу диёр кейинги йилларда дунёнинг йirik маданият, маърифат, сиёсий мулоқотлар марказига айланмоқда.

Сўнгги йилларда қисқа муддатда вилоятда мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди. Нафақат вилоят маркази, балки энг олис қишлоқлар ҳам замонавий қиёфа касб этди. Одамларни йиллар давомида уйлантириб келган йўл, ичимлик суви, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар ечилди.

Президентимизнинг вилоятга сўнгги йиллардаги таширларида вилоят салоҳиятини янада юксалтириш борасида берган тақлиф ва тавсиялар асосида ҳудудда бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Самарқанд халқаро аэропорти модернизация қилинди, эшакка эшиш канал атрофида халқаро туризм маркази бунёд этилди.

Бу жараёнда инфратузилмани янгиллаш, аҳоли учун қулай бўлган замонавий турар жой массивлари бунёд этиш, иш ўринлари яратиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 200 гектардан ортиқ майдонда бунёд этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази қисқа фурсат ичида Самарқанднинг янги ташриф қозоғига айланди.

Кейинги йилларда вилоят изчил ривожланмоқда. Айниқса, тадбиркорлик ва фермер-

лиқни кўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароитлар қўламини низоҳатда кенгайтиди. Натижада улар аҳоли бандлигини таъминлаш бораберида ўз маҳсулотларини нафақат ички бозорга чиқармоқда, балки хорижга ҳам экспорт қилаётир.

Самарқанд шаҳридаги “Азия металл проф” масъулияти чекланган жамиятида 2018-2022 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 110 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилган. Бу маблағнинг 33 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир.

Дастлаб, 2018 йил декабрда рух ва полимер билан қопланган металл листлар тайёрлаш бошланган бўлса, иккинчи босқичда, 2021 йилдан металл қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонада ярим миллион нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимиз таълим масканларидаги шароитлар, янги иншоотлар, саноят корхоналари ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини кўздан кечириш, халқ билан очиқ мулоқот қилиш мақсадида шу йил 25 август куни Самарқанда бўлди. Ушбу таширфи вилоят аҳлининг кайфиятини янада кўтаргани, уларни фаолликка қорлагани айни ҳақиқат.

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда йил якунига қадар



**Махфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар бўйича ўтказилган йиғилишда маҳалаларда тадбиркорлик ва деҳқончиликни кўллаб-қувватлаш, узум ва pista етиштиришни кўпайтириш, серкатнов йўллар бўйида хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолини иш билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, ўтган йилги қиш мавзумида электр энергия таъминотида бўлган узилиш-



лардан тўғри хулоса чиқариб, Оқдарё ва Пастдарғомдаги подстанцияларни янгиллаш, йил якунигача Каттақўрғон тумани ва Самарқанд шаҳрида қуввати 250 мегаватт бўлган 2 та қуёш электр станциясини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Самарқанд вилояти улкан туризм салоҳиятига эга. Шундан келиб чиқилса, вилоятда туризм соҳасида 20 мингта доимий иш ўрни яратиш ва хизматлар ҳажмини 500 миллион долларга етказиш имконияти бор. Бунинг учун жозибдор дастурларни кўпайтириш, йўлларни ва жамоат транспортини қулай қилиш зарур. Бу борада туризм салоҳияти юқори 100 та маҳалла ва қишлоқда “туризм ипотекаси” дастури асосида янги саёҳат манзиллари очилиши айни мудоаодир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугун Самарқанда амалга оширилаётган улкан қури-

лиш, бунёдкорлик ишлари, ислохотлар ягона мақсад – халқимиз учун муносиб шароит яратиш, турмуш фаровонлигини оширишга, умуман, инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида вилоятдаги кўплаб қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси, инфратузилмаси ўзгариб, аҳоли учун замонавий турмуш шароитлари яратилаётир.

Хулоса қилиб айтганда, *вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва иқтисодий лойиҳалар вилоят аҳлининг турмуш фаровонлигини яхшилашда ҳамда аҳолининг муносиб меҳнат ҳақиқа эга бўлган иш ўринлари билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг бу гаали таширфи эса вилоятни янада ривожлантириш, ҳудуднинг беқиёс имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилади.*

✓ **Депутат минбари**

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИГА АЙЛАНМОҚДА

Адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Унинг устуворлигини таъминлашда эса давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти зояга кетмади.

Гулрух АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Бунинг учун, аввало, судьялар халқ билан мулоқот қилиши, уларнинг дарду ташвишлари, оруз-умидлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиши керак. Шу боис кейинги йилларда юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар қилинди.

Фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, давлат органларининг халқ учун хизмат қилишини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиб, бу борада маъмурий судларнинг ташкил этилиши тизим ривожланишида муҳим қадам бўлди ва у бугун амалда ўзини тўлиқ оқламоқда.

Зеро, маъмурий судлар фуқаро ёки тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари томонидан бузилишининг олдини олишда, уларни ноқонуний қарорлар, ҳаракатлардан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутайди.

Ўтган қисқа даврда улар ҳаётий зарурат сифатида фаолият кўрсатишга ҳақли эканини исботлади. Маъмурий судлар томонидан чиқарилган адолатли қарорлар туфайли қанчадан-қанча кўнгиллар обод бўлди, хонадонларга қувонч ва шодлик қайтди.

“АДОЛАТ” тарозиси

Оналар ўз меҳр-муҳаббати билан қалбларни илтифадилар, фидойиликлар билан оилани барча талпинадиган, ўзини беҳавотир ҳис қиладиган, дардига малҳам топадиган, йўқдан бор қиладиган меҳр ўчоғига айлантирадилар, фарзандининг битта табассумига дунёларни алишишга тайёр, бахти-саодати учун жонлари саққадир.

Минг афсуски, гуруч ичида қурмак бўлганидек, баъзида оналар орасида бу номга нолайиқ аёлларнинг учраб туриши ачинарлидир.

Наргиза МАҲКАМОВА, Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси, Дилноза ШОМАТОВА, Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг судьяси

“ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНСИН!..”

Яқинда Оҳангарон тумани ҳокимияти Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси вояга етмаганлар манфаати юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъво аризаси Оҳангарон туман Ички ишлар бўлимининг хатига асосан ёзилган эди. Унда келтирилишича, “Увак” МФЙ, Мустақиллик кўчасида яшовчи Жамила Давлатова (*исм-фамилиялар ўзгартирилган*) уч нафар вояга етмаган фарзандини мунтазам равишда назоратсиз қолдирар экан. Мурожаатда аёлнинг болаларини кекса ёшли, ўзи кимнингдир парваришига, меҳрига, ёрдамига муҳтож отаси қарамоғига қолдириб, ўзи мунтазам спиртли ичимлик истеъмол қилиш, маст-ахлат юриши ва уйдан кетиб қолиши ҳақида баён этилган.

Ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермаган Жамила Давлатова пул топишнинг осон йўлини танлаган. Ҳали ёш, кучи ва жисмоний имконияти бўла туриб, тиланчилик қилишни ўзига эп кўрган. Натижада қаровсиз, оч-наҳор фарзанди 2-синфни тугатган, 2022-2023 ўқув йилида бирор марта мактабга бормаган. Икки қиз эса онаси билан кўчаларда дайдилик қилиб, майишй чиқиндиларни тўплашар экан...

Сайёр суд мажлиси ўтказилди. Унда Оҳангарон тумани ҳокимияти Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси мудири жавобгар Жамила Давлатова ҳеч қандай ишламаслигини, узоқ вақт давомида уйга келмаслигини, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бегона кишилар билан учрашиб, алоқада бўлишини билдирди. Шунинг учун уч нафар вояга етмаган болаларнинг ижтимоий мақомини белгилаш ва давлат таъми-

нотиға ўтказилишини, жавобгар оналик вазифаларини бажармаётганлиги сабабли оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш лозимлигини айтиб, суддан даъво талабини қаноатлантиришни, жавобгарни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ва вояга етмаган болаларни “Мурувват уйи”га жойлаштириш ҳамда уларнинг таъминоти учун алимент ундиришни сўради.

Сайёр суд мажлисида учинчи шахс сифатида жалб қилинган жавобгарнинг отаси кекса ёшдалиги ва пенсияси камлиги сабабли болаларни парвариш қилиш ва таъминлашга имкони йўқлигини, соғлиғи ёмонлиги учун болаларни назорат қила олмаслигини, шу боис болаларни давлат муассасасига жойлаштиришга эътироз йўқлигини, уй шароити ёмонлиги ва набираларнинг яшаши учун талаб даражасида эмаслигини билдирди.

“Увак” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жамила Давлатова билан бир неча марта тушунтириш олиб борилса ҳам натижаси бўлмаганини, унинг оиласида доимий жанжаллар ва келишмовчиликлар бўлаётганини, вояга етмаган болаларнинг таълим-тарбияси, моддий таъминоти ёмон аҳволда эканлигини таъкидлади. Сайёр суд мажлисида маҳалла хотин-қизлар фаоли жавобгар билан бир неча марта суҳбатлашиб, вояга етмаган қизларининг тарбияси учун турмушини ўзгартириши лозимлигини, фойдали меҳнат билан шуғулланишни тавсия қилганини айтди. Лекин жавобгар спиртли ичимлик истеъмол қилишни тўхтатмаганини, бегона шахслар билан учрашувларга ҳатто

қизларини ҳам бирга олиб боришини, бу аҳволда уларнинг ҳаётини ҳам барбод қилишини таъкидлади. Ҳатто қизларини тиланчилик қилиш ва майишй чиқиндиларни тўплашга мажбурлашини, топилган даромаднинг спиртли ичимликка сарфлаб, уларни мактабга юбормаслигини айтиб, фарзандларининг бахтли келажагини таъминлаш учун давлат муассасасига жойлаштириш лозимлигини билдирди.

Оҳангарон тумани 47-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари мактаб ўқувчиси Ж.С. Дарсга келмаётганини билиб, онаси билан суҳбатлашгани ва қизини мактабга юборишга кўндиришга ҳаракат қилганини, жавобгар ҳатто ўз қизини сотмоқчи бўлганига ҳам шахсан ўзи гувоҳ бўлганини, бу ҳақда бир неча марта маҳалла фуқаролар йиғини раисига ва туман Халқ таълими бўлимига хабар берганини баён қилди.

Суд мажлисида Оҳангарон тумани ИИБ ХПП профилактика инспектори Хайрулла Ўбайдуллаев ҳам кўрсатма берувчиларнинг гапларини тасдиқлар экан, Ж.Давлатовани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга асос бўлувчи бир неча мисоллар келтирди.

Суд даъвогар вакили ва учинчи шахсларнинг баёнотини тинглаб, гу-

Уч нафар фарзандни дунёга келтирган Жамила Давлатова ўз ақлу фаросати билан иш тутганида, ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларига меҳр кўрсатиб тарбиялаганида бугунги аҳволга тушармиди, яъни, бир ўзи шумшайиб қолармиди? Фарзандлари ҳадемай улғайиб, онасига суяначқ бўлишар эди-ку. Энди-чи? Болалар давлатимиз ғамхўрлигида ўсиб-улғайиб, бахтли келажақ эгаларига айланадилар. Аммо болалигида уларни оч-наҳор қолдириб, тубан ишларни қилишга мажбурлаган, оналик бахтидан мосуво бўлган инсонни кечирармикан? Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?



лаштиришга ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган.

Хужжат билан суд тизимида “ягона дарча” принципини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш тизими жорий қилинди. Илгари судларга аризалар фақатгина тааллуқлилик тамойили асосида қабул қилинарди. Эндиликда судлар барча турдаги аризаларни қабул қилиб, агарда қабул қилинган ариза мазкур суд фаолиятига тааллуқли бўлмаса, ариза тегишли судларга юбориладиган бўлди.

Шу билан бирга, фуқаролар томонидан давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга аризалар (шикоятлар) берилган тақдирда, давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридатўлаш имконияти яратилди.

Кейинги йилларда мамлакатда олиб борилаётган тизимли ислохотлар шунчаки эмас, балки халқ манфаати йўлида олиб борилаётгани эътиборга молик. Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд идораларига нисбатан ишончи ошишга, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга замин яратаётди.

Бир сўз билан айтганда, маъмурий судларнинг ташкил этилиши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга, маъмурий суд ишларини юриштиши халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштиришга, асосийси, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилаётди.



✓ **“АДОЛАТ” шарҳи**

Янги қонун кучга кирди

Маълумки, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, яъни спиртли ичимликлар ҳамда сигаретлар истеъмол инсонни бебаҳо саломатлигидан айирувчи, ҳатто охири ўлим билан якунланувчи аянчли одатдир. Гарчи бунга яхши билса-да, айрим инсонлар иккала қушандадан ҳам ўзини тия олмайди. Ички аъзолари емирилиб, тўшакка михланиб қолганда эса кеч бўлади.

Жамила АКРАМОВА, Фарғона вилоят судининг судьяси

Жорий йилнинг 24 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисида”ги қонуни фуқароларнинг, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, бу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир. Мазкур қонун шу йил 24 августдан кучга кирди.

Қонуннинг 7 ва 8-моддаларига мувофиқ, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, таълим ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсирини профилактика қилиш, жамоатчилик онгида алкоголь ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс ижтимоий ва ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи, солиқ органлари, божхона органлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органи, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар саналади.

Юқорида кўрсатилмаган давлат органлари ҳамда ташкилотлар алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятда қонунчиликка мувофиқ иштирок этади.

Бундан ташқари, фуқаролар ҳам алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиши мумкин. Бу эса қонуннинг 20-моддасида ўз аксини топган. Унга қўра, фуқаролар алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Энг муҳими, қонуннинг 21-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишга доир чекловлар қайд этилган.

Жумладан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, шунингдек, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан, сайёр (қўлда, лотокларда, саватчаларда, қўл аравачаларида) савдо қилиш йўли билан, кўчмас савдо объектларидан ташқарида, дорихоналарда, болаларга мўлжалланган товарлар реализация қилинадиган хоналарда, болалар ўйинчоқларига, конфетларга ёки болалар учун мўлжалланган бошқа товарларга ўхшатиб ишланган бўлса, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари, таълим ташкилотлари, маданият муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, санаторий ҳамда тиббий-ижтимоий муассасалар ҳудудларида, таълим, спорт ва диний ташкилотлар ҳудудидан тўғри чизик бўйлаб юз метрдан кам масофада жойлашган савдо объектларида (бундан савдо объекти умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуаларининг (бозорларнинг) ҳудудида ва ярмарка павильонларида жойлашган ҳоллар мустасно), яроқлилик муддати ўтганда, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ва реализация қилишга доир санитария нормалари ҳамда қондаларига мос келмайдиган хоналар ва жойларда реализация қилиниши тақиқланади.**



Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишни бевосита амалга ошираётган шахс **йигирма бир ёшдан кичик кўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг реализация қилинишини рад этиши шарт.**



УЛУҒ АЛЛОМАНING МАНГУЛИК ТАФАККУРИ

Олимнинг тўлиқ исми – Абу Райҳон Мухаммад ибн Аҳмад Беруний. Бу тўлиқ исмдаги “берун” қисмига келсак, у “ташиқари” маъносини билдиради. Бунда ўрта асрларда Хоразмда бўлган аъна акс этган, Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, хоразмликлар Ватанидан узоқ муддатга, умуман, хорижга кетиб қолган кишига нисбатан Беруний лақабини ишлатганлар. Кейинчалик бу лақаб олимнинг тўлиқ номига қўшилиб қолган. Бунга далил қилиб шунки келтириш мумкинки, олимни шахсан билган машхур тарихчи Абул Фазл Байҳақий унга нисбатан Беруний лақабини қўлламай, фақат “Абу Райҳон” деб атайди. Олимнинг исмидаги “Абу Райҳон” сўзлари “марҳаматли”, “раҳмдил” маъноларини билдиради.

Ашраф АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Беруний болалигининг илк даври ҳақида маълумот сақланмаган. Олимнинг ўзини ёзишига кўра, отасини ҳам, бобосини ҳам билмаган. Афтидан, у болалигидаёқ етим қолган кўринади. Шу сабабли унинг бошланғич маълумоти қерда ва кимдан олганлиги ҳақида ҳам хабар йўқ. Ҳар ҳолда, билимга қизиқиш, синчковлик унинг табиятидаги туғма хусусият бўлса керак. Бунга унинг “Сайдана” асарида ёзиб қолдирган куйидаги сўзлари гувоҳлик беради: “Табиатимга кўра, мен кичиклигимданок ўз ёшимга лойиқ ва шароитга мос билимларга эа бўлишга чанқоқ эдим. Бунга далил, ўша пайт бизнинг ерларга бир румлик кўчиб келди, мен эса унга дон, уруғ, мева ўсимликларини олиб келар, ундан бу нарсалар унинг тилида қандай аталишларни сўрардим ва уларнинг (номларини ёзиб олардим)”. У ўткир зеҳни ва истеъдоди тўғайли Кот ҳоқимлари – Ироқийлар хонадонининг диққатини ўзига жалб қилади. Бу ҳақда олим бундай ёзган: **Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам ўтди неъмат соясига кўп оним. Боқди Ироқ оиласи сўт билан, Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним.** Бу мисраларда хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Ироқнинг амакиси Али ибн Ироқнинг ўғли Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ҳақида сўз кетаётди. Берунийнинг ёзишича, унинг биринчи устози ва тарбиячиси Абу Наср ибн Ироқ бўлган. Абу Наср ибн Ироқ ўз замонасининг атоқли математиги ва астрономи эди. Умар Хайёмнинг айтишича, у “*математика билан шуғулланган олимларини энг буюғи эди*”. У ясси ва сферик синуслар теоремасининг илк исботларини берган. Абу Наср асарларининг ўн иккитасини шогирди Берунига бағишлаган. Беруний 16-17 ёшларидаёқ астрономия ва математика соҳасида етук олим бўлиб шаклланган. Албатта, Берунийнинг бундай эрта олим бўлиб етишишида Абу Наср ибн Ироқнинг роли катта бўлган. Беруний ўз устози

раҳбарлигида астрономия ва математикани чуқур ўрганиб, ҳижрий 384, милодий 994 йили эклиптиканинг осмон экваторига оғиш бурчагини ўта аниқлик билан ўлчайди. Бу ҳақда у ўз “Геодезия”сида муфассал ёзган, ўша ўлчашда мазкур бурчакни 2303514511 деб толган. Ўша асарида келтирилган яна бир хабарига кўра, Беруний 994-995 йилларда ёзги ва қишки кўёш туришларидаги баландлиқни ўлчаган ва бунинг учун у диаметри 15 газ (қарийб 7,5 м) келадиган доиравий асбоб ясаган. Астрономик кузатишларни ёшлигидан бошлаганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи куйидаги сўзларини ҳам у “Геодезия”да айтган: “*Шунга ўхшаш кўёш тутилишларини ёшлик чоғларимда кузатмавараимдан кўришим ёмонлашиб қолди*”. Ўша даврда, яъни 995 йилгача Беруний астрономия, география ва геодезиянинг амалий масалаларини ҳал қилиш билан бирга, Марказий Осиёда биринчи марта Ер глобусини ясади. Бу ҳақда у ўзининг “Картография” номили асарида хабар қилган. Рисоланинг бошланишида “Хожамиз ҳурматли амир, адолатли подшоҳ, вали-неъмат хоразмшоҳ” эслатилади. Беруний “Картография”да бундан аввал ёзган яна икки асарини тилга олади; буларнинг бири “Глобус ясаш китоби” бўлиб, у фақат “Картография”да эслатилган. Иккинчиси “Ердаги жойларнинг узунлама ва кенгалмаларини аниқлаш ҳақида мақола” дейилиб, у Беруний рўйхатида келтирилган. Бундан кўринадики, Беруний 20 ёш атрофида, яъни феноменал ёшдаги йилларида кампада учта илмий асар яратган бўлиб, бу кишини фақат ҳайратда қолдириши мумкин. 995 йили ўзаро икки низолар тўғайли Сомониийлар давлати бутунлай заифлашганини сезган Гурганч амира Маъмун ибн Мухаммад Сомониийларга содиқ бўлган хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Мухаммаднинг пойтахти Котга бостириб келиб, уни асир олади ва Гурганчга олиб бориб, ўша ерда қатл

қилади. Сўнгра у пойтахтни Гурганчга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Бу даврга келиб 21-22 ёшлардаги Беруний етук олим сифатида танилган эди. Ироқийлар хонадонига ақинлиги ва ўткир идрокки тўғайли Беруний хоразмшоҳ саройига яқин бўлган ва пойтахт Котнинг сиёсатида кўзга кўринган шахслардан бирига айланганди. Албатта, Котнинг сиёсатига алоқадор бўлган Берунийнинг мазкур вазиятда пойтахтда қолиши ҳаёти учун хавфли эди. Шунинг учун у аввалига шаҳарда беркинишга, сўнгра ватанини ташлаб, муҳожирикка юз тутишга мажбур бўлади. 995 йили Беруний Каспий денгизидан жанубдаги Рай шаҳрига кўчади. Бу ерда у Х асрнинг машхур астрономи Абу Махмуд ал-Хўжандий билан ҳамкорлик қилади. Сўнгра 997 йили Котга қайтиб келади. Сабаби, бундан бироз аввал Бағдодда турган Абу-л-Вафо ал-Бужжоний билан мактуб орқали ўша йилги юз берадиган Ой тутилишлари Абу-л-Вафо Бағдодда ва Беруний Котда туриб кузатишга келишиб олишган эди. Хўдди ўша 997 йили Гурганчда хоразмшоҳ Маъмун ибн Мухаммад вафот этиб, ўрнига ўғли Али ибн Маъмун ўтирган эди. Афтидан Беруний бу хоразмшоҳ билан ҳам яхши муносабатда бўлмаган кўринади. Чунки Беруний ал-Бужжоний билан келишилган Ой тутилишлари кузатганидан сўнг, Котда узоқ муддат қолмади ва 998 йили Гургон амираи Қобус ибн Вашмгирнинг тақлифи билан унинг хузурига кетади. Аввалига Қобус олимнинг илмий ишларига хайрихоҳлик билдиради ва унга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Беруний ҳокимнинг бу хислатлари эвазига ўзининг энг йирик асарларидан бири – “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”ни унга бағишлайди. Умуман, Берунийнинг Гургонда бўлган йиллари самарали ўтган: у 15 та асарини шу ерда ёзади. Бироқ Қобус ибн Вашмгирнинг илм-санъатга муҳаббат ва хайрихоҳлигидан шўҳратпарастлиги устун келиб, Ёқут Ҳамавийнинг айтишича, у Берунийдан фақат ўзи билан бирга бўлишни ва саройда умрбод қолишни талаб қилади. Олим эса бундай талабни рад этади ва шу сабабли яна хотиржамлигини йўқотди. Қобуснинг лутф ва муруввати қарх ва ғазабга алмашиниб, олимга бўлган хайрихоҳлик ҳамда моддий ёрдамини тўхтатади. Натижада Беруний илмий изланишларини давом эттира олмайди. Бундай шароитда Берунийнинг Гургонда қолиши хавфли эди. Шунинг учун ҳам у Хоразмга қайтишга қарор қилади. Маълумотларга кўра, Берунийни Гурганчга 1002 йили келган Абу Али ибн Сино ва унинг устози, машхур табиб ва файласуф Абу Саҳл Масихийнинг ил-

тимоси билан хоразмшоҳ Абу-л-Ҳасан Али ибн Маъмун тақлим қилган. Гурганчда Беруний Абу Али ибн Сино ва Абу Саҳл Масихийдан ташқари устози Абу Наср ибн Ироқ ҳамда математик ва табиб Абу-л-Хайр Ҳамморни учратади. Шундай қилиб, 1004 йилнинг ўрталарига келиб Гурганчда, кейинчалик “Ал-Маъмун академияси” номини олган илмий муассаса шақлланади. Маъмунийлардан энг сўнгги хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун даврида, яъни 1010-1017 йилларда Берунийнинг илмий машғулотлари учун катта имкониятлар юзага келади. Шу йилларда олим маъданлар, қимматбаҳо тошлар ва минераллар устида тажрибалар олиб боради, уларнинг солиштирма оғирликларини ўлчаш билан қизиқади ҳамда физика ва минералогия тарихида биринчи марта солиштирма оғирлиқни аниқ ўлчайди. Ўз тадқиқотлари натижасини у “Жавоҳирлар ва металлларнинг ҳажмлари орасидаги нисбат ҳақида мақола” номли махсус рисолада баён қилади. Берунийнинг Хоразмдаги бу галги энг жадал астрономик кузатишлари 1016 йилга тўғри келади. Шу йилнинг ўзида у 14 та кузатишни амалга оширади. Бу кузатишларда Беруний астрономия, география ва геодезияга оид комплекс масалаларни, жумладан, тенгкунлик ва кўёш ҳолатларини, кўёшнинг энг катта ва энг кичик баландликларини, эклиптиканинг осмон экваторига оғиш бурчагини ҳамда шаҳарнинг маҳаллий вақтини аниқлайди. Шу кузатишлари натижасини у ўша йили ёзган “Кўёш ҳолатини аниқлаш усули” номли рисоласига киритади. Бироқ 1017 йилдан Хоразм учун ҳалокатли ва Беруний ҳаётида оғир палла бошланади. 1017 йилнинг мартада кўзголон кўтарган шаҳарликлар хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмуни қатл қиладилар, шаҳарда ва мамлакатда катта тартибсизликлар бошланади. Бироқ Маъмуннинг хоразмшоҳларнинг охиригиси бўлмиш Абу-л-Аббос жанубдаги қудратли Ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори Султон Махмуд Ғазнавийнинг синглисига уйлانган эди. Махмуд кўёви учун қасос олиш баҳонаси билан катта лашкар тўппал, Гурганчга келади. У исёнчиларни дорға осади, 1017 йилнинг охиригача Хоразмда бўлиб, тартиб ўрнатилганига ишонгач, яна Ғазнага қайтади. Султон ўзи билан бирга Абу Наср ибн Ироқ ва Берунийни ҳамда қўллаб алломаларни асир қилиб олиб кетади. Беруний Ғазнага келибоқ “Геодезия”ни ёзишга киришади ва айна вақтда “Хоразмнинг машхур кишилари” номли тарихий асари устида ҳам ишлайди. Абу-л-Фазл Байҳақий китобида ўша асардан келтирган парчага кўра, асарда Хоразмнинг қадимги

даврларидан то 1017 йилгача бўлган тарихи баён қилинган. Беруний 1020 йилнинг 5 декабридаги кузатиш билан “Геодезия”ни ёзиб тугатган сана – 1025 йил 20 сентябрь орасидаги йилларни Ҳиндистонда ўтказган. Ҳақиқатан ҳам, у шу йиллар орасида Ҳиндистондаги (ҳозирги Покистоннинг шимоли-шарқида) Нандна қалъасининг ўлчамларини топиш билан шуғулланади. Бу ўлчовлар натижасида у Нанднанинг географик кенгламасини (32°) топади. Шу кенглама учун у ернинг ўлчамларини ҳам аниқлайди ва ер меридианининг бир даражаси узунлигини 5505311512 деб топади. Бу эса ўз даври учун катта аниқлик эди. Олим “Гуррат аз-зижот” асарида эслатишича, ўша ерда ҳижрий 416 йил 27 сафарда – милодий 1025 йил 29 апрелда ҳилолни кузатган. Бундан ташқари, мана шу санани Беруний ўша кунни Махмуд Ғазнавий билан Юсуфхон Қорахонийнинг Самарқанд яқинида учрашиш ва битим тузиш санаси деб қўрсатган. “Геодезия”дан кейин Ғазнада ёзилган йирик асарлари қаторида 1027 йилнинг августида ёзиб тугатган математик асари – “Доирадаги ватарларни унга ички чизилган синиқ чизиқнинг ҳоссалари ёрдамида аниқлаш” (қисқача: “Ватарлар”) рисоласи ҳам бор. Бу асарнинг муҳим аҳамияти шундаки, Беруний унда Ўрта Осиё ва хурросонлик фанга номаълум ёки кам маълум бўлган олимларнинг номларини қайд этади, уларнинг математик ижоди ҳақида хабар беради, айрим олимлар ҳақида янги маълумотлар келтиради. 1029 йилнинг охирида Беруний йирик асари “Олдузшунослик санъати негизларини тушунтириш китоби” (“Тафҳим”)ни ёзиб тугатади. Асарнинг форсча таржимаси ҳам мавжуд. Ҳозирги кунгача унинг 14 та арабча ва 21 та форсча нусхалари сақланган. 1934 йили биринчи марта Р. Райт унинг инглизча таржимасини арабча факсимилеси билан биргаликда нашр қилдиради. 1940 йили Эрон олими Жалол Ҳумоий “Тафҳим”нинг форсча илмий нашрини чоп эттиради. Ҳозирги кунда унинг тожикча ва русча нашрлари ҳам мавжуд. Ўшбу сартлар муаллифи 2006 йили унинг ўзбекча нашрини чоп қилдириди. “Тафҳим”да Беруний математика, астрономия, география, хронология ва астрологиянинг бошланғич тушунарларини савол ва жавоб тарзида баён қилган. Беруний Ҳиндистонда чоғларида хинд олимлари билан мулоқотда бўлади ва ёшлигида ўз юртида ўрганган, хиндларда илм тили саналган санскрит тилини янада чуқурроқ ўзлаштиради. Санскритчада ёзилган хинд илмий асарларини таҳлил қилади. Бу изланишлар натижаларини у 1030 йили ёзган “Ҳиндистон” асарида баён қилади. Асарда Беруний хиндларнинг урф-одатлари, дини ва ғазнага оид адабиётларни яхши билганлиги кўринади. Шунга айтиш керакки, “Ҳиндистон”да Беруний қарийб 180 та хинд асарларини эслатади, булардан талай қисми хинд астрономиясига оиддир. Султон Махмуднинг Ҳиндистонга қилган 16 та юришида иштирок этган Беруний хинд фани ва маданиятини чуқур ўрганиб, таҳлил қилади, уларнинг баъзи камчиликларини танқид остига олса, баъзиларига юксак баҳо беради, ардоқлайди. Унинг “Ҳиндистон”и бунинг ёрқин ифодасидир. Беруний хинд тарихида биринчи марта Птолемейнинг “Ал-Маҳистий”си, Евклиднинг “Негизлар”и ва ўзининг астурулбо ҳақидаги асарларини санскритчага ва хиндларнинг “Карана тилака”, “Ар-канд”, “Қхандақхадяка” асарларини араб тилига ўтиради. 1030 йили Султон Махмуд вафотидан сўнг олимнинг ҳаётида янги давр бошланади. Махмуднинг кичик ўғли Мухаммад валиахд деб эълон қилинганлига қарамай, катта ўғли Масъуд тахт учун курашиб, бир неча ой султон бўлиб турган ўқиси Мухаммадни тахтдан туширади ва ўзи ҳукмдор бўлади. Шундан сўнг Берунийнинг ҳаётида кескин бурилиш ясади. Султон Масъуд олимни ўзига яқин тутайди ва унга ҳомилий қилади. Ёқут Ҳамавийнинг хабар беришича, олим билан бўлажақ Султон Масъуд орасида илгаридан яхши муносабат бўлган. Беруний унга араб тилини ўргатган, астрономия ва бошқа аниқ фанлардан таълим берган.

Бунинг эвазига Масъуд ундан хайр-эхсонини аямаган. Беруний “Қонуни Масъудий”нинг сўзбошисида ёзишича, Масъуд унинг илмий ишларига шароит яратган ва ўзига яқин тутиб, моддий жиҳатдан қўллаб турган. Шунинг учун ҳам олим ўзининг 1037 йилда ёзиб тугатган энг йирик астрономик асарини унинг номи билан “Ал-Қонун ал-Масъудий” деб атаган. “Қонуни Масъудий” астрономия тарихида чуқур из қолдирган. Унда баён этилган қонун, қондалар ва юлдузлар жадвали кейинроқ Носириддин Тусий (1201-1273/74) ва Мирзо Улугбек (1394-1449) “Зиж”ларида дастур тутилади. “Қонуни Масъудий”дан эса Тусий ва Улугбек расадхоналарида астрономиядан асосий қўлланма сифатида фойдаланилади. Ҳижрий 427 йилнинг охири, яъни милодий 1036 йил сентябрда Беруний Х асрнинг машхур файласуфи, кимёгар ва табиби Абу Бакр Мухаммад ибн Закариё ар-Розий асарларининг рўйхатидан иборат рисоласини ёзиб тугатади. Бу рисолада у мазкур вақтгача ўзи ёзган ва ёзаётган асарлари рўйхатини ҳам келтиради. Рисолага ёзган қисқача сўзбошисидан Беруний 1030 йилларнинг бошида ўз ватани Хоразмга бориб келгани аниқлашади. Бу даврга келиб Берунийнинг соғлиги анча заифлашган эди ва шу сабабли ўзининг энг сеvimли машғулоти бўлмиш астрономик кузатишлардан тобора узоқлаша боради. Шунинг учун бўлса керак, 1040 йили Султон Масъуд салжувий туркларга асир тушиб ҳалок бўлганидан кейин паноҳ излаб бошқа даргоҳга кетмайди ва умрининг қолган қисмини Масъуднинг ўғли Мавдуд саройида ўтказди. Кекса олим умрининг қолган йилларида (1041-1048) асосан минералогия ва доришунослик билан шуғулланади. Беруний бу даврда ёзган асарларидан иккита энг йириги диққатга сазовордир. Буларнинг биринчиси “Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами” (қисқача: “Минералогия”) деб аталган бўлиб, олим унга бутун умри давомида маълумот тўплаган. Беруний болалик чоғларида Хоразмда, кейинчалик Рай, Жужон, Ҳиндистон ва Ғазнада бўлган йилларида ҳам қимматбаҳо тошларнинг хусусиятлари, улар қазиб олинadиган ерлар ва бундай маъданлар ҳақидаги ривоят, ҳикоя ва маълумотларни тўплади, уларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини ўрганади. Қарийб 70 йиллик изланишлари натижасини у ўз “Минералогия”сида баён қилади. Асарда Беруний жисмларнинг оғирлиги, ҳажми ҳақида тушунча беради, 50 дан ортиқ модданинг зичлиги ва солиштирма оғирлигини фан тарихида биринчи марта ҳозирги замон аниқлиги билан ҳисоблайди, қаттиқ жисмлар ва суоқликларнинг солиштирма оғирликларини ўлчашга мўлжалланган махсус асбоблар ясади ва уларнинг тавсифини келтирилади. Олимнинг энг сўнгги асари “Табобатда доришунослик” (қисқача: “Сайдана”) бўлиб, шу асар тадқиқотчиси У.Каримовнинг фикрича, муаллиф уни тўлиқ ёзиб тугалламаган, асарнинг айрим ўринлари чага кўринади. Бу пайтга келиб олимнинг соғлиги шунчалик оғирлашадики, “Сайдана”ни ёзишда унга ёрдамчи керак бўлади. Бу вазифани ғазналик табиб Абу Холид ан-Накшоний бажаради. Бироқ олимнинг вафоти асарни тугаллаш ва оққа кўчиришга имкон бермайд.

Яқин йилларгача “Сайдана” бирор тилга тўлиқ таржима қилинмаган ва ўрганилмаган эди. 1974 йили атоқли шарқшунос олим У.Каримов асарнинг ҳар томонлама чуқур илмий таҳлил қилинган русча таржимасини чоп эттирди. У.Каримов бир йўла Беруний вафоти санаси ҳақидаги масалани ҳам аниқлади. Унга кўра, Беруний ҳижрий 440 йил 2 ражаб ойи – милодий 1048 йил 11 декабрда вафот этганлиги исботланди. Беруний номи билан боғлиқ асарларнинг умумий сони 170 дан ортиқ. Улардан 143 тасини олим ўз қўли билан ёзган бўлиб, қолган 27 тасини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масихий ва Абу Али Жилийлар унга атаб ёзган. Лекин Беруний “Рўйхати”да “*Булар ҳам бамисоли бағримдаги ўғай болаю бўйнимдаги маржоннинг ўзи, мен булар билан ўғиллар орасини ажратмайман*”, деб ёзади.

Эътибор ва ғамхўрлик



Олималар
учун
имтиёзлар

Раҳимбой ЯРМАТОВ,
Жиззах давлат педагогика
университети магистратура
бўлими бошлиғи,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар тизимли равишда давом эттириб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ваҳоланки, хотин-қизларимиз фарзанд тарбияси, рўзгор ташвишларидан ортти, турли соҳаларда фидойилик кўрсатишмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади” деган таъкиди аёлларга эътиборнинг аҳамиятини аққол очиб берди. Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизлар-

нинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш белгилаб берилган эди. Юқоридagi фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таълим олаётган хотин-қизларни тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йилда 447-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари, шу жумладан, Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура академияси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг

магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг тўлов-контракти тўлиқ суммаси давлат бюджети ҳисобидан қопланishi назарда тутилди. Бунда давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган ва ўқиётган хотин-қизларга базавий тўлов-контракт (стипендияси) суммалари миқдориди тўлиқ тўлаб берилади. Мазкур жараёнда Жиззах давлат педагогика университетидида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Университетимизда 2022-2023 ўқув йилида магистратура мутахассисликлари бўйича 1-2 босқичда таҳсил олган 1059 нафар магистрларнинг 699 нафарини хотин-қизлар ташкил этиб, шундан 603 нафарини тўлов-контракт (стипендияси) суммалари тўлиқ қоплаб берилди. Бу йилги ўқув йилида 77 нафар хотин-қизлар қабул қилиниб, 30 нафар давлат гранти, 47 нафар контракт асосида қабул қилинган. Жамиятимизда оlima аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камиди 300 тадан мақсадли квота ажратиши белгилаб қўйилган. Бу Президентимиз томонидан аёлларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси.

30 август кунни пойтахтимиздаги Киночилар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишлаб суратга олинган “Абдулла Орипов” бадиий фильмининг тақдироти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев гоҳиси ва ташаббуси асосида ишланган ушбу картина Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ёрқин ва айна пайтда заҳматга тўла ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади.

“Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонасида Кинематография агентлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази каби ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишланган мазкур фильмини юртимиз жамоатчилиги, мухлислар анчадан буён кутмоқда эди.

Фильмда Абдулла Орипов билан бирга Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Озод Шарафиддинов, Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидов, Бахтиёр Назаров каби миллий адабиётимиз даргаларининг сиймолари гавдалантирилган, уларнинг адабиётимиз ривожини йўлидаги эзгу ишлари акс эттирилган.

Фильм воқеалари шоирнинг болалик даври кечган Қашқадарё вилояти Косон тумани Некўз қишлоғида, талабалик даври, машҳурликка эришиши, халқ манфаати йўлидаги жонбозлиги Тошкентда, умрининг сўнгги кунлари ўтган давр эса АҚШда суратга олинган.

Табииий, халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Орипов ҳақидаги бадиий фильм ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шу боисдан қўйида айрим адабиёт мухлислари, мутахассислар, оддий томошабинларнинг фильм ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Тахририят

“АБДУЛЛА ОРИПОВ” БАДИЙ ФИЛЬМИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

“Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир”

“Абдулла Орипов” бадиий фильмининг яратилиши ўзбек кино санъати ва адабиётинида янги ҳодиса бўлди. Тўғри, мумтоз адабиётимизнинг Алишер Навоий, Фурқат, Ҳамза каби етуқ вакиллари ҳақида кино олинган, кейинги йилларда эса жаҳидларимиз ҳақида бадиий фильмлар яратилди. Лекин шўро ва мустақиллик даврида яшаб ижод этган шоир ҳақида бадиий фильм яратиши кутилмаган эди.

Авалло, бунга халқ меҳрини қозongan Қаҳрамон шоир Абдулла Ориповнинг юксак таланти, абадиятга юз бўрган ўлмас ижоди, ватанпарвар ва халқпарварлиги, ҳақ ва адолат йўлидаги дардунг изтироблари, жасорати ва оғир қисмати сабабдир. Қолаверса, яқин тарихимиз фожеаларини англатиши ва бу билан мустақиллигимизнинг қадрига етиши тўғрисида синдириши учун ҳам Абдулла Ориповдай ватанпарвар ва ҳақпараст ижодкор тинимсизнинг адабиётимизда мавжудлиги ўзбек кино санъати-мизнинг омади ва бахтидир.

Буюклар қисмати доимо оғир кечган.

Шоиримизнинг ўзи айтиб кетганлар: “Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир”. Мана шу “аччиқ ва тахир қисмат” бадиий фильмга имкон даражасида синдирилган. Бу билан айтмоқчиманки, шоир ҳаёти жуда мураккаб ва зиддиятли кечган ва бу бир фильмга сизмайди ҳам. Фильм ижодкорлари буни ҳис қилган ҳолда автобиографик қамровни асос қилиб олишган ва буни урдалашган.

Мен бир шогирд сифатида бу кино орқали устозимнинг жонли тинимсизлиги ўзим англаб етган дардлари билан кўра олдим. Ҳар бир хайрли ишининг ҳам, албатта, камчилиги бўлади. Лекин биринчи қадамни қўлади керак. Мен ишонч билан айти оламан, ҳали Абдулла Орипов ҳақида чуқур психологик, ҳатто кўп қисмли фильмлар яратилди. Бу келгуси авлодлар иши ва улар ушбу бадиий фильмдан илҳом оладилар, фойдаланадилар, шунга қараб йўл оладилар. Чунки бу фильм аксарият қаҳрамонларнинг прототиплари хотирасига асосланган.

Воқеаларнинг ҳаққоний чиқишига ўз ҳиссаларини қўшишган ва улар ўзларининг образини саҳнада кўришлар. Бу кино тарихида камдан-кам ва ижобий ҳолиса.

“Абдулла Орипов” бадиий фильми ижодкорларига ўз ташаккурини билдираман. Устознинг руҳлари шод бўлсин!

Ғафуржон ТОҶИБОВ

Устозни кўргандай бўлдим

Абдулла акани 2015 йили охири мартга кўрганман. Шундан сўнг, 2016 йилнинг 5 ноябрида ишум хабарни эшитиб, ларзага тушганман. Роса йиғлаганман.

2023 йил йил 30 августни, кеч соат 20.00да “Киночилар уйи”да Абдулла Орипов билан қайта учрашдим. Анчагина шеърларини ёддан билсам-да, бир йилча Ёзувчилар уюшмасида бирга ишлаган бўлсам-да, барибир, устознинг ёшлигидан, босиб ўтган ҳаёт йўлидан унчалик хабардор эмас эканман.

Фильмда кичкина Абдуланинг ёшлиги жуда яхши тасвирланган. Менга жуда ёқди. Абдулла аканинг қандай шеър ёза бошлагани, адабиётдан қандай кириб келганлиги ба-тафсил ёритилган.

Шоирнинг Шароф Рашидов билан учрашувини кўрганымда жуда тўққинлиб кетдим. Наврўз байрами билан бўлган воқеалар ҳам мени ларзага солди. Махсус ташкилотларнинг шоирга халал берганлиги ҳам одамга қаттиқ таъсир этади.

Шоир Шодмонқул Салом Абдулла аканинг худди ўзи экан. Шодмонқул ролин маҳоратли артистлардан кам ижро этабди, менчма.

Фильм давомида Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” деган шеъри тўлиқ ўқилди. Мен шеърни ўқиган одамга эътирозим йўқ. Бироқ, ўша шеърни Абдулла аканинг ўзи жуда яхши ўқиган. Азар ўша ўзи ўқиган тасвирлардан фойдаланилса шеърнинг таъсир кучи янада зўр бўларди, деган фикрдам.

Фильмда Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлари, кейинги йиллар аниқ фактлар асосида жуда ибратли акс эттирилган.

Мен фильмини кўриб, устозни қайта кўргандай бўлдим.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан суратга олинган “Абдулла Орипов” фильми кино ижодкорларининг, санъат ва адабиёт аҳлининг катта ютуғи бўлибди. Бу асар жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Етти ёшдан етмиши ёшчага кўрса арзийдиган фильм.

Абдураззок ОБРЎЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Улуғ шоир феноменига қўйилган яна бир ҳайкал

Аслини олганда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ўзининг оловли шеърлари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетган ижодкорлар сирасига қиради. Тўғриси, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, Абдулла Ориповга, Абдулла Орипов билан бирга яшаб, ижод қилган, ўз вақтида ўнлаб (балки юзлаб китоблари) чоп этилган, собиқ тузумнинг катта-кичик, бир сўз билан айтганда, барча юксак мукофотларига сазовор бўлган қанча-қанча ёзувчи-ю шоирларнинг асарлари бугун унутилган, ўқилмайди. Абдулла Орипов эса ҳамон ўз даҳоси билан ўқувчиларининг юрагини ларзага солиб, уларнинг тилидан тушмай келаёттир. Ҳудод хоҳласа, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бу улуғ шоиримиз ҳақида олинган “Абдулла Орипов” бадиий фильми тақдиротида борунча ҳаёлимдан ўтган фикрлар. Тақдирот бора туриб, кўнглимдан “миллатнинг даҳо шоири ҳақида сўз айтишга ҳаракат қилган киноижодкорлар бу ишни урдалай олиш-димикан”, деган хавотир ўтгани ҳам бор гап. Фильмни кўриб бўлсач, юқоридаги хавотирим ўринсиз бўлганини тан олдим...

Тўғриси, биз, бугунги кун ёшлари Абдулла Орипов ижодини ўқиганимиз, шеърларини ёд билишимизга қарамай, у кишини яқиндан бил-маймиз. Фильмини кўргунимга қадар шаҳсан мен ҳам Абдулла Орипов Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири бўлса, ҳаминча давраларнинг тўрида ўтирсан, ҳаётида бир-рон-бир муаммо бўлмаган бўлса керак, деб ўйлардим. Фильмини кўриш жараёнида, айниқса, фильм қаҳрамонларидан бири — Клара Ходжаева билан тўқнашув саҳнасида ҳақиқий халқ шоири бўлиш осон эмаслигига амин бўлдим. Ўша сонияларда Абдулла Ориповнинг ич-ичидан ўтган ўқинч, алам, хорлик ва ҳўр-лиқни кўтаришга унга қанча куч керак бўлган экан, деб ўз-ўзимга савол бердим. Аммо жаво-бини топа олмадим...

Фильмини кўриш жараёнида яна бир на-расага амин бўлдимки, собиқ тузум даврида Абдулла Орипов аждарҳонинг оғзида ту-риб шеър ёзган, аждарҳонинг оғзида туриб кўрқмасдан “Она тилим”, деб ҳайқирган,

Адабиётимизга бебаҳо совға

“Абдулла Орипов” бадиий фильмига оилавий бор-дик. Мен, аёлим, қизим кўпчилик томошабин қатори киномни тўққинлиб томоша қилдик. Кинодаги турли таъсирчан тасвирларга, қарама-қаршиликларга бой сюжетлар киноминг бадиий қийматини янада ошир-ган.

Шоир онасининг ўлими олдидан бўлажак келинни бўлажак қайнона қонига етаклаб келиши билан боғ-лиқ эпизодлар қанчалар таъсирли. Шоир бўлажак кели-нининг қўлига анорни тутқазиб, сувини сиқиб, бер, дейишида рамз бордек. Шоирнинг эзилган юрагини кўрамиз анордан... Беҳтиёр кўзимизга ёш келади.

So'nggi sahifa



Ижодкорнинг ҳаётини ибрати

Тошкентнинг Киночилар уйи (эски Панорама)да тақдироти ўтқа-зилган “Абдулла Орипов” ҳақидаги бадиий фильмин кўриб, инсон умри-нинг охиригача фақат ибратли ишлар билан яшаши кераклигини, онанинг муқаддас номи гўдаклигидан то муътабар ёшгача юракдаги беназир ту-мор каби асраб-авайлаб келинадиган кутлуғ мерос эканига нафақат мен, барча иштирокчилар амин бўлди.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида шеърят ихлосмандларининг юрагига самимий ва оловли сатрлари билан кириб келган Абдулла Ориповнинг ўтли шеърини ҳаммамизни мафтун этгани рост. Айниқса, “Мен нечун сева-ман Ўзбекистонни”, “Ўзбекистон Ватаним маним”, “Онажон”, “Сен баҳорни соғинмадингми?”, “Муножот”, “Биринчи муҳаббатим” шеър-лари нафақат адабиёт ихлосмандлари, балки бутун ўзбек халқи учун она юр-тга, фарзандларнинг фахри бўлган онажонлар ва бувижонларга фи-дойи бўлишни, ота-она ўртасидаги меҳру муҳаббатнинг яққол тинимли бўлгани рост.

Фильмдаги воқеалар худди кечагидек кўз ўнгингиздан ўтади, шоирнинг онаси, онанинг бўлажак келинга муносабати эса ҳар бир онанинг юра-сида галаёнларга ўхшайди. Онани ерга бериб, қабристонда бўзлаган шо-ирнинг фарёдлари эса оналарини йўқотган ҳар бир фарзанднинг нидосига ўхшайди гўё.

Миллий маънавий қадриятлар ҳар бир миллатнинг асраб-авайлаб, ав-лоддан авлодга етказмоқ учун интиладиган бебаҳо мулкидир. Наврўз бай-рамини таъқиқлаш саҳнаси эса халқнинг маънавий бойлигидан айиршидек қабиб ишдир, мана шу эпизодларда акс этирилган халқнинг бирдамлиги эса ҳамжиҳатлик намуналарини кўрсатади. Ушбу жараён Янги Ўзбеки-стон, Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган бугунги кунда мил-лий қадриятларнинг қанчалик тарихий аҳамиятга эга эканини, уларни авайлаб-асраш, авлоддан-авлодга етказиш ҳаётини заруратлигини намоён этади.

Бир сўз билан айтганда, таниқли режиссёр Музаффар Эркиновнинг “Абдулла Орипов” фильми Ўзбекистон Қаҳрамонининг ўзбек адабиётига қўшган катта ҳиссаси учун унга кўрсатилган очик, самимий эҳтиром бўлди.

Қўпдан буён бундай ҳаётини пойдеворли, таъсирчан фильм кўрмага-ним боис ўтган икки соат ичида адабиётга меҳр, адабиётга муносабат инсонга ҳаётини завқ беришини, ижодкор, ватанпарвар, миллатпарвар, халқпарвар авлод-аждодларимиздан гурулраниш асосида юрт равнақи йў-лида бор куч-қувват, қобилият ва иқтидорни намоён этиш учун илҳомни барча томошабинлар кўзларида кўрдим.

Ойниса МУСУРМАНОВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Фильмин кўриб...

Жуда зўр, чуқур маъноли ва ўткир фильм яратилибди. Сўнгги 30 йилда бунақа санъат асари бўлмаган.

Актёрлар, саҳналаштириш, эпизодлар жуда мукамал олинган. Бу фильм ўзбек киносининг янги классик фильми десак ҳам бўлади.

Абдулла Орипов буюк шоир. Унинг асарлари яна кўп асрлар яшашига ва келажак авлодларимиз ҳам унинг шеърларини ёддан ўқиб, қўшиқлар қи-лишига ишонаман. Худди биз ҳозир Алишер Навоий, Жомий, Машираблар-нинг шеър гагалларини билганимиздек, келажак авлод учун Абдулла Ори-пов ўлмас абадий шоир бўлиб қолаверади. Бу бадиий фильм эса ҳар доим экранларда қайта ва қайта кўрсатилиб, ёшларимизга ўрнат олиш дара-жасида шеърятга қизқишн ўйғатади ва катта мотивация беради.

Ҳатто буюк инсонларни ҳам тан олишга юраси дои бера олайдиган майда, ўткинчи, гаразли рақиблари борлиги Абдулла Ориповнинг буюкли-гинида даракдир.

Мана шунанга фильмларга миллиард доллар кетса ҳам зиён эмас!

Бахтиёр КАРИМОВ,
профессор

Шоди ОТАМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

QR код
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!



Бош муҳаррир: Ислон ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад А.ЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Тальят МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат-ЯКУБОВ

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Камол Матқубов

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.

Котибият – 71 288-42-14 (144);
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими – 90 900-72-15



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 1 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 900

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адаби – 6037
Босишга топширилган вақти – 21.00
Босишга топширилган – 21.00
Баҳоси келишилган нархда
Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун буюнани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.